

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ АЖРИМИ

---

2001 йил 10 октябрь

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасини шарҳлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раис Б.Эшон, судьялар Б.Мирбобоев, У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳақимовалардан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 3-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига амал қилиб очиқ мажлисда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасини шарҳлаш тўғрисидаги ишни кўриб чиқди.

Ишни кўриб чиқишга “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Солиқ кодексининг 59-моддасининг қоидаларини тушунишда мавжуд бўлган ноаниқликлар ва ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар томонидан ушбу қоидаларни қўллашдан келиб чиққан камчиликларни аниқлаган судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов, С.Ҳақимованинг ташаббуслари асос бўлди.

Фуқаро С.Муратхўжаевнинг Солиқ кодекси 59-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган имтиёзга бўлган конституциявий ҳуқуқининг бузилганлиги ҳақидаги мурожаати мазкур масалани кўриб чиқишга сабаб бўлди.

Маърузачи-судья С.Ҳақимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили Т.Жўраев, Давлат солиқ кўмитасидан Э.Гадоев, “Ўзуйжойжамғармабанк”дан Р.Бахромов, “Авиабанк” Акционерлик-тижорат банки вакили Ф.Холматов, “Алоқабанк” Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки вакили З.Камоладдинова ва “ХИФБанк” Хусусий очиқ акционерлик-тижорат банки вакили А.Абдуллаевларнинг тушунтиришларини, мажлисга таклиф қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вакили Б.Панаев, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси вакили П.Бобожонов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди вакили С.Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди вакили М.Азимовларнинг фикрларини тинглаб, тақдим этилган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни текшириб чиқиб, Конституциявий суд

**а н и қ л а д и :**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига фуқаро С.Муратхўжаев ўзининг Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 59-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзга бўлган ҳуқуқининг бузилганлиги ҳақида мурожаат қилган. С.Муратхўжаев акциядор сифатида республиканинг “Ўзуйжойжамғармабанк”, “Авиабанк” АТБ, “Алоқабанк” АТБ, “ХИФБанк” ХАТБ ва бошқа банкларидан дивидендлар олган.

Солиқ кодексининг 59-моддасининг 2-қисми “б” бандига мувофиқ С.Муратхўжаев жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан имтиёз ҳуқуқига эга.

С.Муратхўжаевга дивидендларни тўлаш пайтида эса, солиқлар банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йилнинг 17 мартдаги 11/1-1-2188-сонли ва 1999 йилнинг 6 апрелидаги 11/1-1-2743-сонли тушунтириш хатларига асосан олинаётган дивидендлар суммасининг 15 фоизи миқдоридан ушлаб қолинган. Ушбу тушунтиришларда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасида белгиланган имтиёзлар дивиденд ва фоизлар туридаги олинадиган даромадларга татбиқ қилинмаслиги кўрсатилган.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 30 августдаги 17-12/548, 15/1-5316-сонли фуқаро С.Муратхўжаевга юборилган тушунтириш хатида Солиқ кодексининг 59-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар дивиденд ва фоизларга нисбатан татбиқ қилиниши маълум қилинган.

Худди шу мазмундаги, яъни Солиқ кодекси 59-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар дивиденд ва фоизларга татбиқ қилиниши ҳақидаги тушунтириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси томонидан 2001 йил 19 январдаги 15/1-398-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига юборилган.

Лекин, юқорида кўрсатилган банклар Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йилнинг 17 мартдаги 11/1-1-2188-сонли ва 1999 йилнинг 6 апрелидаги 11/1-1-2743-сонли хатларида келтирилган қонунга зид бўлган тушинтиришларга амал қилиб келмоқдалар. Натижада солиқ тўловчиларнинг Солиқ кодексининг 11-моддаси иккинчи бандида белгиланган ҳуқуқлари бузилган.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан бир вақтнинг ўзида юқорида баён қилинган масала бўйича ҳар хил тушунтиришлар юборилиши фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишига, давлат органларининг ноқонуний ишлашига асосий сабаб бўлганлигини Конституциявий суд алоҳида таъкидлайди.

Конституциявий суди қонун устуворлиги принципларига амал қилган ҳолда шуни қайд қиладики, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун нормаларини (мазкур ҳолатда Солиқ кодексини) бошқа даражадаги актлар ҳисобланган, ушбу ҳолатда қонун ролини бажараётган хат-тушунтиришлар билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади. Шу қонуннинг 5-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳисобланувчи ҳужжатларнинг турлари санаб ўтилган.

Шунга асосланиб, Конституциявий суд қайд этадики, Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йил 17 мартдаги 11/1-1-2188-сонли ва 1999 йил 6 апрелдаги 11/1-1-2743-сонли тушунтириш хатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар деб ҳисобланади. Шу боис, ундаги, шунингдек уларга ўхшаш хатлардаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасини қўллашга доир тушунтиришлар Конституцияга хилофдир.

Солиқ кодексининг 59-моддаси нормаларини нотўғри тушунилиши ва қўлланиши нафақат С.Муратхўжаев, балки тегишли имтиёзларга ҳақли бўлган бошқа акциядорлар учун ҳам маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарганлиги сабабли Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг шу моддасига шарҳ бериш зарур, деган хулосага келди.

Конституциявий суд амалдаги қонунларнинг нормаларини таҳлил қилишда қуйидагиларга таянади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ “Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”.

Конституциянинг 51-моддасига мувофиқ “фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар”.

2. Солиқ кодексининг 11-моддаси иккинчи бандига мувофиқ “солиқ тўловчилар ушбу Кодекста ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш” ҳуқуқига эгадирлар.

3. Солиқ кодексининг 50-моддасида жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадига фоишлар, дивидендлар бўйича олинган даромадлар ва мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар кириши белгиланган. Мазкур кодекснинг 56-моддасига мувофиқ “жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоишларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ставкалар бўйича тўлов манбаида солиқ солинади”. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли Қарорининг 6-сонли иловасига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг дивидендлари бўйича даромадига 15% миқдорда солиқ солинади.

4. Солиқ кодексининг 59-моддасида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан озод қилиш тартиби белгиланган. Шу модданинг иккинчи бандига мувофиқ жисмоний шахслар даромадга солинадиган солиқни тўлашдан қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида озод қилинадилар.

Солиқ кодексининг 63-моддасида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолиш тартиби назарда тутилган. Шу модданинг биринчи қисмига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолишни тўловларни амалга оширувчи юридик шахслар амалга ошириши шарт.

Солиқ кодекси асосида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан “Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўланиши тартиби тўғрисида йўриқнома” ишлаб чиқилган ва у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йилнинг 11 июнда рўйхатга олинган (444-1, 444-2, 444-3-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Лекин мазкур йўриқномада Солиқ кодексининг 59-моддаси иккинчи қисмида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадиган солиқ тўловчига дивиденд ва фоизларни тўлаш манбаида солиқни қандай ушлаб қолиш керак, деган саволга жавоб йўқ, яъни имтиёзлардан фойдаланувчи акциядорлар учун солиқ солишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 19, 25, 26 ва 27-моддаларини қўллаб, таҳлил қилинаётган нормаларни тушуниш ва татбиқ қилишнинг бир хилда эмаслигини қайд қилиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасига шарҳ берилиши муносабати билан Конституциявий суд

#### **қ а р о р қ и л а д и:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасида назарда тутилган имтиёзлар дивидендлар ва фоизлар бўйича олинадиган даромадларга ҳам татбиқ қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасини татбиқ қилиш билан боғлиқ бўлган ўзларининг идоравий ҳужжатларини мазкур тўхтамага мослаштирсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди**